

Қариллик ва узоқ муддатли қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожланишдаги ногиронлик маъмурияти томонидан тақдим этиладиган хизматлардан фойдаланишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларингиз

Your Rights and Responsibilities When You Receive Services
Offered by Aging and Long-Term Support Administration and
Developmental Disabilities Administration

МИЖОЗ ИСМИ

ACES ID РАҚАМИ

Мавжуд хизматлар

Сиз фойдаланишга ҳақли бўлган хизматларни танлаш ҳуқуқига эгасиз. Хизматлар ихтиёрийдир. Қариллик ва узоқ муддатли қўллаб-қувватлаш маъмурияти (AL TSA) ва Ривожланишдаги ногиронлик маъмурияти (DDA) таъминлайдиган хизматлар барча эҳтиёжларингизни қондира олмаслиги мумкин.

AL TSA ва DDA қуйидагиларда хизматлар таклиф қилади:

- Катталар оилавий уйи, Ёрдамчи яшаш муассасаси, Кенгайтирилган хизматлар муассасаси, Ҳамширалик уйи, Ҳамроҳ уйи, Болалар тарбияловчи уйи, Лицензияланган болалар ётоқхонаси; DDA гуруҳ уйлари, гуруҳ ўқув уйлари, ИСФ/ИДлар; ЁКИ
- Шахснинг ўз уйи. **Эслатма:** AL TSA ва DDA шахснинг ўз уйида кунига 24 соатлик пуллик шахсий парвариш хизматларини кўрсатмайди. Агар 24 соатлик парвариш керак бўлса, бошқа хизмат турлари кўриб чиқилиши мумкин.

AAA иш менежерингиз, DDA иш ресурслари менежери ёки HCS ижтимоий хизмат мутахассиси ушбу ҳужжатда **ижтимоий ходим** деб аталади.

Ҳуқуқларингиз

Сиз қуйидаги ҳуқуқларга эгасиз:

- Қадр-қиммат, ҳурмат ва камситишсиз муносабатда бўлиниш;
- Сиз ҳақингиздаги маълумотлар қонунлар ва DSHS қоидалари доирасида махфий сақланиши;
- Зўравонликка, эътиборсизликка, молиявий эксплуатацияга ёки ташлаб кетилишга дучор бўлмаслик. Бу атамалар таърифини қуйидаги ҳаволадан олишингиз мумкин:
<https://www.dshs.wa.gov/altsa/home-and-community-services/types-and-signs-abuse>. Агар сиз ёки танишингиз зўравонликка, эътиборсизликка ёки эксплуатацияга дучор бўлаётган бўлса, ёрдам бера оладиган ходим билан гаплашиш учун DSHS га 1-866-(End Harm) / 1-866-363-4276 рақами орқали бепул кўнғироқ қилинг;
- Мулкингизга ҳурмат билан муносабатда бўлиниши;
- Фойдаланишингиз мумкин бўлган барча хизматлар ҳақида хабардор қилиниш ва ўзингиз хоҳлаган ёки хоҳламаган хизматларни танлаш;
- Парваришингизни режалаштириш бўйича ишни Ижтимоий ходимингиз билан ҳамкорликда олиб бориш;
- Ўзингиз хоҳламаган саволларга жавоб беришга ёки ишларга мажбурланишдан сақланиш;
- Агентлик қарорлари ҳақида ёзма равишда хабардор қилиниб, парвариш режангиз ёки қўллаб-қувватлаш режангиз қисқача мазмунининг нусхасини олиш;

- Ижтимоий ходимингиз билан келишмовчилик юзага келса, раҳбар билан суҳбатлашинг;
- Шикоят қилган бўлсангиз ҳам, маъмурий тинглов ўтказилишини сўрашингиз мумкин;
- Маъмурий тингловни сўраган бўлсангиз ҳам, зарар кўришдан қўрқмасдан шикоят қилиш;
- 1-888-201-1014 рақами орқали адвокат билан гаплашиш;
- Барча хизматлардан воз кечиш;
- Инглиз тилини яхши билмасангиз ёки тушунмасангиз, бепул таржимон хизматларидан фойдаланиш;
- Малакали хизмат кўрсатувчини танлаш, ишдан бўшатиш ёки алмаштириш; ва
- Сиз танлаган ҳар қандай индивидуал хизмат кўрсатувчи учун текширув натижаларини олиш.

Сизнинг Мажбуриятларингиз

Сизнинг мажбуриятларингиз қуйидагилар:

- Ижтимоий ходимга камида йилига бир марта ўзингизга қулай жойда баҳолашни ўтказишига рухсат бериш;
- Ижтимоий ходимга камида йилига бир марта яшаш муҳитингизни кўришига рухсат бериш;
- Баҳолашни яқунлаш учун етарли маълумот бериш;
- Агар кимдир сиз учун тиббий ёки молиявий қарорлар қабул қилса, ижтимоий ходимингизга хабар бериш;
- Парвариш ёки қўллаб-қувватлаш режасини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва уни имзолаш;
- Хизмат кўрсатувчингиз рухсат этилмаган хизматлар ёки соатлар учун ҳақ ололмаслигини тушуниш;
- Соғлиқни сақлаш хизматларини ўзингиз танлаш;
- Малакали хизмат кўрсатувчини танлаш;
- Хавфсиз иш жойини таъминлаш;
- Хизмат кўрсатувчи текширувларини махфий сақлаш;
- Хизмат кўрсатувчи билан муаммолар бўлса ёки талаб қилинган миқдордаги вақт давомида Сизга хизмат кўрсатилмаётган бўлса, ижтимоий ходимга хабар бериш;
- Агар парвариш ҳақини тўлашга ёрдам берсангиз, ҳар ой хизмат кўрсатувчига тўловни амалга ошириш;
- Ҳеч кимни хавф остига қўядиган тарзда ҳаракат қилмаслик; ва
- Қуйидагиларда ўзгариш бўлса, ижтимоий ходимга хабар бериш:
 - ✓ Тиббий ҳолатингиз;
 - ✓ Оилангиз ёки бошқа ташкилотлардан оладиган ёрдамнингиз;
 - ✓ Яшаш жойингиз; ёки
 - ✓ Молиявий аҳволингиз.



Ижтимоий ходим мажбуриятлари

Ижтимоий ходимингиз қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Сизга ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлиш;
- Шахсий маълумотларингизни ҳимоя қилиш;
- AL TSA ва DDA сиз учун нима қила олиши ёки қила олмаслигини тушунтириш;
- Ёрдам даражангизни баҳолаш ва танлашингиз мумкин бўлган хизматларни аниқлаш учун сиз ва бошқалардан маълумот йиғиш.
 - ✓ Баҳолаш жараёнида сизнинг кучли томонларингиз, чекловларингиз, мақсадларингиз ва афзалликларингизни ҳисобга олиш.
 - ✓ Бундан ташқари, оилангиз ёки бошқа ташкилотлардан олаётган ёки олишингиз мумкин бўлган ёрдам ҳамда қандай хизматларнинг кўрсатилишини хоҳлашингизни ўрганиш;
- Шахсий парвариш бўйича ёрдамни, шахсий мақсадларингиз, афзалликларингиз ва танловларингизни ўз ичига олган парвариш режаси ёки қўллаб-қувватлаш режасини тузишда кўмаклашиш;
- Ҳар йили ёки аҳволингиз ўзгарганда парвариш режангиз ёки қўллаб-қувватлаш режангизни янгилаш учун сиз ва бошқалардан маълумот олиш;
- Зарур маълумотларни тақдим этишингиз учун етарли вақт ажратиш;
- Парвариш режангиз ёки қўллаб-қувватлаш режангиз билан боғлиқ муаммоларни пайдо бўлиши билан оқ ҳал қилиш;
- Агар руҳий, неврологик, сенсор ёки жисмоний чекловларингиз бўлса, ҳуқуқларингизни ҳурмат қилган ҳолда хизматлардан фойдаланишда қўшимча ёрдам кўрсатиш;
- Малакали хизмат кўрсатувчи шахсни топа олмасангиз, уни топишда ёрдам бериш.

Олдиндан берилган кўрсатмалар

Олдиндан кўрсатма бериш ҳуқуқига эгасиз. Олдиндан берилган кўрсатмаларга тирик васиятнома ёки соғлиғингизни сақлаш учун доимий ишончнома кириши мумкин. Олдиндан берилган кўрсатмалар тиббий ва ёки руҳий саломатлик бўйича хоҳиш-истагингизни, шу жумладан ақлий қобилиятингиз етарли бўлмаганда тиббий, руҳий саломатлик ёки жарроҳлик даволанишини қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқингизни умумлаштиради. Олдиндан берилган кўрсатмаларни исталган вақтда бекор қилишингиз мумкин.

Мижозлар ва ходимлар учун эслатма (VI ва VII бўлимлар) Вашингтон штати Ижтимоий ва соғлиқни сақлаш департаменти тенг имкониятли иш берувчи ҳисобланади ва ёш, жинс, жинсий йўналиш, гендер ўзига хослиги/ифодаси, оилавий аҳвол, ирқ, эътиқод, тери ранги, миллий келиб чиқиш, дин ёки эътиқод, сиёсий мансублиги, ҳарбий ҳолат, фахрий равишда хизматдан бўшатиш ветеран, Вьетнам даври ветерани, яқинда ажралган ёки бошқа ҳимояланган ветеран мақоми, ҳар қандай сезги, ақлий, жисмоний ногиронлик ёки ногиронлиги бўлган шахснинг ўргатилган йўл кўрсатувчи ит ёки хизмат ҳайвонидан фойдаланиши, тенг иш ҳақи ёки генетик маълумотлар асосида бандлик, дастурлар ёки хизматларнинг ҳеч қайси соҳасида камситмаслик сиёсатини олиб боради.

Сайловчиларни рўйхатга олиш хизмати

1993 йилдаги Сайловчиларни рўйхатга олиш тўғрисидаги миллий қонун барча штатлардан жамоат ёрдам идоралари орқали сайловчиларни рўйхатга олишда ёрдам кўрсатишни талаб қилади. Овоз бериш учун рўйхатдан ўтиш ёки рўйхатдан ўтишни рад этиш ушбу идора томонидан сизга кўрсатиладиган хизматлар ёки бериладиган имтиёзлар миқдорига таъсир қилмайди. Сайловчиларни рўйхатга олиш варақасини тўлдиришда ёрдам керак бўлса, биз сизга кўмаклашамиз. Рўйхатдан ўтиш ёки ўтишни рад этиш тўғрисидаги қарорингиз махфий сақланади ва фақат сайловчиларни рўйхатга олиш мақсадларида ишлатилади. Агар кимдир сизнинг рўйхатдан ўтиш ёки рўйхатдан ўтишни рад этиш ҳуқуқингизга, рўйхатдан ўтиш ёки рўйхатдан ўтиш учун ариза бериш тўғрисида қарор қабул қилишда махфийлик ҳуқуқингизга ёки сиёсий партиянингизни ёки бошқа сиёсий афзалликларингизни танлаш ҳуқуқингизга аралашган деб ҳисобласангиз, қуйидагиларга шикоят қилишингиз мумкин:

Washington State Elections Office
PO Box 40229
Olympia WA 98504-0229
1-800-448-4881

Имзонгиз

Агар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларингизни ҳамда Ижтимоий ходимингизнинг жавобгарлигини тушунган бўлсангиз, қуйидаги қаторга имзо қўйинг.

МИЖОЗ ИМЗОСИ

САНА

ҚОНУНИЙ ВАКИЛ ИМЗОСИ

САНА

Қарилык ва узоқ муддатли қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожланишдаги ногиронлик маъмурияти томонидан тақдим этиладиган хизматлардан фойдаланишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларингиз

КўРСАТМАЛАР

1. Ушбу шаклни мижозга дастлабки ПАРВАРИШ баҳолашини ўтказишда ва парвариш режаси ёки қўллаб-қувватлаш режасини кўриб чиқишда тақдим этинг. Агар мижоз аллақачон хизматлардан фойдаланаётган бўлса ва илгари шаклнинг ушбу версиясини имзоламаган бўлса, шаклни мижозга кейинги баҳолашда тақдим этинг. Мижознинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича саволларига жавоб бериш учун шаклни мижоз билан бирга кўриб чиқинг.
2. Мижоз ёки унинг вакилидан Кексалар ва узоқ муддатли қўллаб-қувватлаш маъмурияти ҳамда ривожланишдаги ногиронлик маъмурияти томонидан кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунганлигини тасдиқлаш учун шаклнинг икки нусхасига имзо қўйишини сўранг.
3. Бир нусхасини қаттиқ файлга ёки ҳужжат бошқарув тизимига (DMS) жойлаштиринг ва иккинчи нусхасини мижозга беринг.